

Марказий банкнинг коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги йиллик ҲИСОБОТ

I. Умумий маълумот.

Марказий банк бошқарувининг 2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан «Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти» тасдиқланган.

Шунингдек, Марказий банкнинг **марказий аппарат, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарида** тизим ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган **4 тадан алоқа каналлари** (*расмий веб-сайт, электрон почта, телеграмм бот, ишонч телефони*) ишга туширилган.

2025 йил давомида, Марказий банкнинг **марказий аппарат, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналари** ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали Марказий банк тизими ходимларининг коррупция билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари юзасидан **мурожаатлар келиб тушмаган**.

Марказий банкнинг **марказий аппарат, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарининг** алоқа каналлари орқали **коррупциявий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлмаган** жами **13 та**, шундан, уларнинг **5 таси** телеграм мессенжери, **6 таси** расмий веб сайт ва **2 таси** бошқа манбалар (портал ва оғзаки/ёзма) орқали келиб тушган.

Мурожаатлар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳри (**3**), Сурхондарё (**3**), Навоий (**1**), Андижон (**1**), Сирдарё (**1**), Фарғона (**1**), Хоразм (**1**), Жиззах (**1**), Тошкент (**1**) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

II. Кўриб чиқиш натижалари.

Марказий банк алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатларнинг **6 таси** истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, **2 таси** киберҳужум, **1 таси** имтиёзли шартларда кредит ажратиш, **1 таси** банк операциялари юзасидан маълумот олиш, **1 таси** ишга жойлашиш ва **2 таси** бошқа йўналишларда келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатлар юзасидан тегишли таркибий тузилмалар томонидан тушунтиришлар берилган ҳолда белгиланган муддатларда жавоб хатлари юборилган.

III. Минималлаштириш чоралари.

Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида келиб тушган мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 25 мартдаги 8/13-сонли қарори билан **«Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида»ги Тартиб** тасдиқланган.

Марказий банк томонидан амалга оширилаётган текшириш ва ўрганишлар жараёнларини тартибга солиш мақсадида, Марказий банк бошқарувининг 2025 йил 18 ноябрдаги 31/8-сонли қарори билан **«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказиладиган текшириш ва ўрганишларда ходимларнинг мажбурий хизмат қоидалари»** тасдиқланган. Мазкур ҳужжат орқали текшириш ва ўрганишга жалб этилган ходимларга **манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилмаслик** юзасидан мажбуриятлар юклатилган. Бунда ҳар бир текшириш ва ўрганиш жараёнига жалб этилган ходимлар ушбу **Қоидаларда** белгиланган мажбуриятлар билан танишган ҳолда жалб қилиниши таъминланган. Шу билан бирга, текшириш ва ўрганиш ташаббускори бўлган таркибий тузилмалар томонидан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида, ички ҳужжатларни (*буйруқ, фармойиш*) Компаенс-назорат хизмати билан келишиш тартиби жорий қилинган.

Компаенс-назорат
хизмати бошлиғи

Ижро аппарати раҳбари



В.Хамракулов

О.Эрназаров